



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 95 (12.406)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кеча пойтахтимиздаги «Наврўз» саройида 2-халқаро «FoodExpo» ва «AgroExpo» кўргазмалари ўз ишини бошлади.



Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг расмий кўмагида ZarExpo миллий кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида кўргазмалар озиқ-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалигида эришилаётган ютуқларни намойиш этиш, янги технологияларни жорий қилиш ва инновация фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Икки йилдан буён ташкил этилаётган кўргазмалар тадбиркорлик субъектларининг жадал ривожланиши ва жаҳон бозорларига чиқишига кўмак бермоқда ҳамда ички бозорда товарлар сифатининг

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

ошишига имконият яратмоқда.

Ушбу кўргазманинг бўлимларида FoodExpo – озиқ-овқат маҳсулотлари: ичимликлар, озиқ-овқат саноати учун ускуналар, идиш-товоқ ва бошқа ошхона жиҳозлари билан бирга AgroExpo – қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари: чорвачилик, паррандчилик, ветеринария, омукта ем, ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, агросаноат мажмуаси учун мини-автомобиллар, сугориш ва мелiorация техникалари намойиш этилаётир.

Серкўёш ўлкамизда баҳор фасли ўз ўрнини ёзининг иссиқ кунларига бўшатиб бермоқда. Бундай кўёшли кунларда табиийки, юртимиз аҳолисида салқин ичимликларга эҳтиёж кўпаяди. Кўргазмада ўзининг йигир-

ма хилдан зиёд тоза, безарар салқин ичимликларини «Зилол сув» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона йиғилганларга намойиш этмоқда.

– Маҳсулотларимиз шахримизнинг барча туманлари ва бир неча вилоятларга тарқатилади, – дейди корхона раҳбари Шавкат Эргашев. – Кунлар исигани сайин маҳсулотларимизга талаб ошади, шу боис ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Бугунги тадбир бизга мавсум олдида янги ҳамкорлар ва харидорлар топишимизда катта ёрдам беради.

Кўргазмаларда юртимиз вакилларида ташқари Россия, Украина, Хиндистон, АҚШ, Нигерия каби мамлакатларнинг 30 дан ортик компаниялари ҳам иштирок этмоқда.

2-халқаро кўргазма доирасида турли тадбирлар

ҳамда қатор танлов ва тақдимотлар ҳам ўрин олган. Биринчи кун Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган ошпазлар ўртасида палов фестивали бўлиб ўтди. Иккинчи кун эса «Республикада озиқ-овқат индустрияси ривожини учун интеграциялашув» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинар Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ва Бутунжаҳон сабаз-тўғиллик маркази ИКАРДА томонидан ташкиллаштирилмоқда. Учунчи иш кунини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдаги инновацияларнинг тақдироти ўтказилади.

Шунингдек, «Кўргазманинг энг яхши маҳсулоти» танлови ташкил этилиб, тадбир якунида ғолиблар эълон қилинади.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов
олган суратлар

Мамлакатимизда давом этаётган Европа кунлари доирасида пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида «Европа Ўзбекистон авангард рассомлари нигоҳида» мавзусида кўргазма очилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕВРОПА КУНЛАРИ

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Европа Иттифоқи делегацияси кўмагида Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи томонидан тайёрланган. Унда Европа мамлакатлари маданияти ва ҳаётини акс эттирган тасвирий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Мамлакатимизда Европа кунларининг очилишига бағишланган тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар кўпайиб йўналишларда изчил ривожланиб бораётир. Ўзаро ҳамкорликда беш йўналишда ҳамкорлик гуруҳи шакллантирилган бўлиб, ҳамкорлик кенгаши, ҳамкорлик қўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси, Савдо ва инвестиция бўйича қўшма қўмита, адлия, ички ишлар ва бошқа масалалар юзасидан қўшма қўмита иш олиб бормоқда.

Европа кунлари доирасида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида Европа Иттифоқи мамлакатлари кинофестивали бўлиб ўтади. Унда Италия, Германия, Словакия, Австрия, Франция, Болгария, Латвия, Чехия, Эстония, Финляндия, Руминия каби мамлакатлар кино усталари томонидан суратга олинган кўпайиб фильмлар намойиш этилади. Кинофестивалда ўзбек кино усталарининг ижод намуналари ҳам тақдим этилади.

Мазкур кенг қамровли тадбир доирасида мамлакатимиз олий таълим даргоҳларида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги бағишланган давра суҳбатлари ўтказилади.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах политехника институтини «Аёл – маънавият гулшани» республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Аёл маънавияти, хотин-қизларнинг баркамол авлод тарбияси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга бағишланган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари тасарруфидagi олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, вилоят хотин-қизлар қўмиталари раислари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

• Арнасой туман ижтимоий-иқтисодий коллежида худуддаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раҳбар ва ходимлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят, туман бўлимлари мутасаддилари, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этган тадбирда юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширишга қаратилаётган эътибор, маҳалла фаоллари билим ва малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган мазкур ўқув-семинарларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

• Узун туманилик тадбиркор Мамлакат Мўминова «Хўршидабону» хусусий корхонасини ташкил этиб, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳозирда савдо шохобчаларига ушбу корхона томонидан ҳар ойда 5 тоннадан зиёд сифатли ва мазали маҳсулот етказиб берилмоқда.

• Наманган шаҳрида кўп қаватли уйларни таъмирлашда замонавий қурилиш ашёси – пенопластдан фойдаланиш тажрибаси синовдан ўтказилди. Уй-жой эгалари ва таъмирловчиларга маъқул тушган пенопласт плиталари шаҳардаги «Турбо пласт плюс» қўшма корхонасида тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

• Яман пойтахти Сана шаҳридаги районларнинг бирида мамлакат ҳарбий ҳаво кучларига тегишли жанговар самолёт ҳалокатга учради. Ҳаво лайнери учувчиси катапультаси усулидан фойдалана олмасдан ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирча ҳалокат сабаблари маълум эмас.

• Мексикада уюшган жиноятчиликка қарши махсус сугурта усулини йўлга қўйишмоқда. Сугуртанинг ушбу тури ўзига хос ва махсус Мексика учун ишлаб чиқилганлиги таъкидланмоқда. Полис ҳисобидан қопланувчи етказилган зарар суммаси 25 миллион АҚШ долларидан иборат бўлади.

• Россия ҳукумати мамлакатдаги жамоат транспортининг камида ярмисини газ ёнилғисига ҳаракатланишга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

• Германияда сомалилик денгиз қароқчилари гуруҳининг бухгалтерини ҳибсга олинди. Ҳозирча исми ошкор этилмаётган ушбу кимса 15 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

• Франция худудидида жойлашган гарбий Европадаги энг баланд тоғ – Монбланнинг Эгюи-дю-Миди чўққисида тоққа элтувчи кабинанинг носозлиги туфайли бирмунча муддат 250 га яқин киши чўққидида қолиб кетди. Маълумотларга кўра, француз Альпларидаги ушбу қутилмаган воқеага кабина электр двигателларидан бирида ёнғин қиқиши сабаб бўлган. Чўққидида қолиб кетганлар тез орада вертолётлар ёрдамида хавфсиз жойга қўрилди.

ННТЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришга аналга фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатларида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш ва ўз фаолиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш берилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни яна-

да чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида жамоат ташкилотларини янада ривожлантириш ва салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов 2005 йилда ташкил

сида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишининг олдини олиш мақсадида «Тинчлик учун курашмоқ керак» фильми намойиш этилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Биз

ОИТСга қарши курашамиз» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги Ўрикзор ихтисослаштирилган бозорида тадбиркорлар иштирокида «Оғоҳликка даъват, диний ақидапарастликка қарши кураш» мавзусида

давра суҳбати бўлиб ўтади.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги Тошкент Ислом университетидида тумандаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш йиғинлари раислари ва фаоллари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИРОБОД** туманида жойлашган Тошкент политехника касб-ҳунар коллежидида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар ўрта-



2013 йил — Обод турмуш йили



Экин Шамсиддинов (ЎЗА) олган суратлар

БОЛАЛАРНИНГ ЯНА БИР ЯНГИ БОҒИ

Пойтахтимизда «Болажон» истироҳат боғи очилди

Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармасидан маълум қилишларича, ҳозирги кунда пойтахтимизда ўн иккита маданият ва истироҳат боғи фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида мазкур масканларни янада ривожлантириш бора-сида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда замонавий қулайликларга эга яна бир янги истироҳат боғи ишга тушди. Қарийб беш гектар майдонни эгаллаган боғда уч мингдан кўпроқ манзарали дарахт мавжуд. Сўлим гулзори яшил майсазорлар, муסיқали фавворалар боғнинг кўрқига кўрк қўшиш баробарида ёзда ҳарорат мўътадиллигини таъминлайди.

Боғ бежиз «Болажон» деб номланмаган. Бу ерда болакайлар учун турли аттракционлар, эртақлар майдончаси барпо

этилган. Шахмат, шашка, стол тенниси билан шуғулланиш имконияти яратилган. Боғни оилаларнинг севимли дам олиш масканига айлантириш, болалар ва ёшлар учун турли маданий-маърифий тадбирлар, хайрия акциялари ўтказиш режалаштирилган.

— Пойтахтимизда янги боғ очилаётганини эшитиб, маҳалламиз фаоллари билан бу ерга келдик, — дейди Чилонзор тумани «Бўрижар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъмура Махмудова. — Боғда яратилган шароитни кўриб, жуда хурсанд бўлдик. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

«Болажон» истироҳат боғининг очилишига бағишланган маданий тадбирда пойтахтимиздаги маданият уйлари, «Баркамол авлод» марказлари, болалар ва ёшлар ижодий жамоаларининг концерт дастури, ёш спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди, расмлар танлови ўтказилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Спорт янгиликлари

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 8-тур баҳслари пойтахт командаларига муҳим очколарни туҳфа этди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ
ҒАЛАБАСИ

Наманганда «Навбахор» меҳмони бўлган «Бунёдкор» 90 дақиқа мобайнида тўлиқ устунликка эришиб учрашувда 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Пахтакор» марказий стадионида «Насаф» жамоаси билан куч синашган пахтакорчилар Козак томонидан рақиб дарвозасига киритилган ягона гол эвазига навбатдаги ғалабани қўлга киритишди.

Жорий йилги мавсумда совринли ўринларга даъвогарлик қилаётган «Локомотив» жамоаси ушбу турда «Сўғдиёна» командасини ўз майдонида 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб турнир жадвалида карвонбошилиқ қилмоқда. Жиззахлик футболчилар дарвозасига ҳар учала голни Фарход Тожиёв киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Бухоро» — 1:0, «Шўртан» — «Олмалик» — 1:1, «Нефтчи» — «Гулистон» — 4:1, «Металлург» — «Қизилқум» — 3:1.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг спортга бўлган эътиборини янада кучайтириш мақсадида «Камолот» ЁИХ Олмазор туман кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида «Соғлом авлод — юрт таянчи» деб номланган мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада «Пахтакор», «Бунёдкор», «Хумо», «Диагностика», «Лочин» жамоалари қатнашишди. Мусобақа давомида жамоалар «Арқон тортиш», «Шашка», 4х100 метрга югуриш, «Эстафета» каби шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Бу каби саломатлик мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад иштирокчиларнинг соғлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила аъзоларининг бўш вақтларини унумли ўтказиш, қалбида спортга

иштиёқ уйғотишдан иборатдир, — дейди «Камолот» ЁИХ Олмазор тумани Кенгаши раиси Н. Усмонов. — Зеро, спорт саломатлик, гўзаллик ва нафосат рамзидир.

Мусобақа шартлари бўйича энг юқори натижаларни қўлга киритган «Пахтакор» жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва бош совринни қўлга киритди. Қолган иштирокчилар эса эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Камола МАҲМЕДОВА

«ДИНАМО»ДА ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Гап шундаки, кейинги йилларда Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини бош мураббий сифатида бошқарган Равшан Ҳайдаровга Самарқанднинг «Динамо» клуби раҳбарлари ишонч билдиришди ва ҳамшахримизни ўз жамоаларига бош мураббий этиб тайинлашди. Чунки жорий йилги мавсумда «Динамо» жамоаси беқарор ўйин намойиш этаяпти. Шу кунгача ўтказилган учрашувлар якунига кўра «Динамо» бор-йўғи учта

Бундан бир неча йиллар муқаддам профессионал футбол лигасида пойтахтимизнинг «Трактор» ҳамда «Пахтакор» жамоаларига устозлик қилган, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси бўлган таниқли мутахассис Равшан Ҳайдаров айни кунларда Самарқандда.

учрашувда дуранг натижа қайд этган, тўртта ўйинда мағлубиятга учраган. Эътиборли жиҳати шундаки, Равшан Ҳайдаров жамоага бош мураббий этиб

тайинланган, ўтган саккизинчи турда самарқандлик чарм тўп усталари ўз майдонларида «Бухоро» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Футбол мухлисига маълумки, 11 июнь кuni 2014 йилда Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш турнирининг «А» гуруҳида туртинчи босқич баҳслари бўлиб ўтади.

УЧРАШУВ
ҲАКАМЛАРИ
МАЪЛУМ

Унда Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жанубий Корея футболчилари билан сафарда куч синашади.

Осиё футбол конфедерацияси томонидан ушбу баҳсни бошқарадиган ҳакамлар номи маълум қилинди. Унга кўра Жанубий Корея — Ўзбекистон терма жамоалари баҳсини БААлик Али Аҳмад ал-Бадвавий бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқаради. Қанотларда унга ҳамюртлари Солих ал-Мазруни ва Муҳаммад ал-Махамри ёрдам беради.

МОҲИР ҲУЖУМЧИ —
70 ЁШДА

Ўз даврида «Пахтакор» жамоасида тўп сурган моҳир ҳужумчи, собиқ иттифоқ чемпионатида рақиблари дарвозасига юздан ортиқ гол киритган, 1968 йилги биринчиликда 22 та гол билан тўпурч бўлган, таниқли мутахассис сифатида Ўзбекистон терма жамоасининг 1994 йилги Осиё ўйинлари қолиби бўлишига катта ҳисса қўшган Биродар Абдураимов 70 ёшга тўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон футбол федерациясида Абдураимовни қутлаш маросими ўтказилди.

Ўзбек футбол юлдузини қутлуг ёши билан муборакбод этар эканмиз, бу инсонга узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз. Умид қиламизки, Биродар Абдураимов келгусида ҳам футболимиз ривожига кўп ҳисса қўшади, ўзининг бой тажрибаларини ёш чарм тўп усталарига ўргатади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД
ДОМО БЎЛГҲМАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Темирни занг, мияни фикр-сизлик емиради.

* * *

Вақт ўз ишини индамай битиради.

* * *

Айтганинг келгани — бахтинг кулгани.

* * *

Кўнгли тоза бўлмаган одам-гина гийбатдан бўшамайди.

* * *

Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт.

* * *

Кўнгли тоза одам ишонувчан бўлади.

* * *

Ҳикматлар тафаккурнинг сархил меваларидир.

* * *

Ношукр одам беҳосият бўлади.

* * *

Ҳаром аралашган ишнинг баракаси бўлмайди.

* * *

Бир кун келиб ҳаммаси изига тушади. Лекин ўша кунга ишониб, уни сабр-тоқат билан кутиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

* * *

Ақлли киши минг бир машаққат билан эришган нарсасини ташлаб кетмайди.

* * *

Қанча чуқур кетсанг, шунча адашасан.

* * *

Миннат савобни йўққа чиқаради.

* * *

Шукр қилсанг, иймонинг бутун бўлади.

* * *

Миннат жонингга бало.

* * *

Ўта эҳтиёткорлик кўрқоқликдир.

* * *

Иккиланганнинг иши олға босмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.